

Ният ва Ихлос

00:42 / 03.12.2016 23487

ТАҚДИМ

Аллоҳ номи ила қувилган шайтоннинг ёмонлигиндан паноҳ сўрайман!

“Сен: “Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёт ва мамотим оламларнинг Роббиси Аллоҳ учундир. Унинг шериги йўқ. Ана шунга буюрилганман ва мен аввалги мусулмонларданман” деб айт” (Анъом 162,163).

“Албатта, биз сенга Китобни ҳақ ила нозил қилдик. Бас, сен Аллоҳга Унга динни холис қилган ҳолингда ибодат қил. Огоҳ бўлингким холис дин Аллоҳникидир” (Зумар 2,3).

“Ҳолбуки улар Аллоҳга динни холис қилган ҳолда, ҳаққа мойил бўлиб ибодат қилишга буюрилган эдилар” (Баййина 5).

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллоҳга Ўз юзининг жалоли, қудратининг буюклилига хос ва мос кўп, яхши, баракали ҳамдлар бўлсин. Ундан ўзгани Робб қилиб олмаймиз, Ундан ўзгани Валий тутмаймиз, Ундан ўзгани Ҳакам қилиб олмаймиз, Унга ва У билан бирга ҳеч кимсани ва ҳеч нарсани шерик қилмаймиз. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, Динни Унга холис қилган ҳолда - агар кофирлар ёқтирмасалар ҳам - Унгагина ибодат қиламиз.

Аллоҳнинг соф саловатлари ва саломлари саййидимиз, имомимиз, намунамиз, суюклигимиз Муҳаммадга бўлсин. У кишининг намозлари, ибодатлари ҳаёт - мамотлари оламлар Роббиси Аллоҳ учун эди. У Зотнинг шериги йўқдир. Ҳамма нарсалари Аллоҳ учун эди. Сўзласалар Аллоҳ учун, жим турсалар Аллоҳ учун, ғаблансалар Аллоҳ учун, рози бўлсалар Аллоҳ учун, яхши кўрсалар Аллоҳ учун, ёмон кўрсалар Аллоҳ учун, берсалар ёки ман қилсалар, дўстлашсалар ёки урушсалар Аллоҳ учун эди. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

У киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга Аллоҳга дуо қилиб “Аллоҳим! Сенга билган нарсамизда ширк келтириб қўйишимиздан паноҳ сўраймиз ва билмаган нарсамизда ширк келтириб қўйишимиздан истиғфор айтамиз” деб айтишни таълим берган эдилар.

Аллоҳ у кишининг асҳобларидан рози бўлсинким, улар динларини Аллоҳга холис қилдилар. Аллоҳ уларни Ўз дини учун холис қилди. Аллоҳ учун ҳижрат қилдилар, Аллоҳ учун муҳожирларни қабул қилдилар ва ёрдам бердилар, Аллоҳ йўлида моллари ва жонлари ила тиришқоқлик қилдилар. Аллоҳ, Унинг Расули ва Унинг йўлида тиришқоқлик қилиш улар учун оталаридан ҳам, ўғилларидан ҳам, қариндош - уруғларидан ҳам, касб қилган молларидан ҳам, касод бўлишидан кўрққан тижоратларидан ҳам ва ҳуш кўрган масканларидан ҳам суюклироқ эди.

Аллоҳ улардан ва уларнинг ортидан қиёматгача эргашганлардан рози бўлсин.

Дўстим муслим, ушбу саҳифаларда сенга иймоннинг энг юқори бўлимларидан бир бўлим диннинг энг улвғ макомларидан бир маком

